



**Tadqiqot** UZ



**ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2021**

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**31 MART  
№26**

**CONFERENCES.UZ**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 26-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
6-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
26-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-6**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
26-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-6**

**ТОШКЕНТ-2021**



**УУК 001 (062)**  
**КБК 72я43**

## **"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 26-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **5. Давлат бошқаруви**

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



### **8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

### **9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

### **10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

### **11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

### **12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

### **13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

### **14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

### **18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

### **19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **21.Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



## 22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

## 23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

## 24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

## 25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ЖУРНАЛИСТИКА**

**1. Ибрагимова Вазира Хусан қизи**  
БАДИИЙ ПУБЛИЦИСТИКА – ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
ВОСИТАСИ СИФАТИДА..... 7



## ЖУРНАЛИСТИКА

### БАДИИЙ ПУБЛИЦИСТИКА – ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

**Ибрагимова Вазира Хусан қизи,**  
Ўзбекистон журналистика ва оммавий  
коммуникациялар университети стажёр-тадқиқотчиси,  
E-mail: blaugranas\_04@mail.ru,  
Тел.: +90 7885833

**Аннотация:** мақолада бадиий публицистик жанрлар спецификаси, уларда образлилик масаласи, жанрларнинг жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** бадиий публицистика, муаллиф “мен”и, образлилик, композиция, тасвирий воситалар, жамоатчилик фикри.

Оммавий ахборот воситалари орқали узатилаётган ҳар бир ахборот жамиятга, инсонга таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу билан бирга ахборий маҳсулот аудиторияда қизгин муносабат уйғотишга сабаб бўлиши, мунозарали жараёнларни вужудга келтириши, аудитория фикрини шакллантириши мумкин. Шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда матбуот жамиятда яшовчи фуқароларнинг эркин фикрини баён этувчи минбарга айланмоғи зарур. Сўзнинг кучи кўп нарсаларга қодир эканини инкор этиб бўлмайди. Инсонлар ўртасидаги ўзаро мулоқот сўз воситасида амалга ошиши унинг ижтимоий аҳамиятидан далолат беради. Кенг омма билан бевосита мулоқотга киришишдек улкан имконият эса бошқа воситалар каби публицистика ёрдамида ҳам юзага чиқади.

Латинча “Publicus” — “*ижтимоий*” деган маънони билдирган публицистика ижтимоий ҳаётни акс эттиришнинг алоҳида бир тури бўлиб, жамият ҳаётининг шу кундаги, айти замондаги муаммоларини ўзида акс эттиради ва шу кунга, айти замонга хизмат қилади<sup>1</sup>. Бошқача қилиб айтганда, публицистика шу замон муаммоларини шу замон кишиларига етказиш, шу замон муаммоларига жамоатчилик фикрини уйғотиш мақсадига хизмат қилувчи ижод тури. Шунингдек, ҳар қандай публицистик асар марказида ўз даврининг ва жамиятининг актуал муаммоси туради.<sup>2</sup> В.И.Хомяков, Е.А.Андреева публицистик матнни “муаллиф – факт – ўқувчи” формуласи асосида яратиш ғоясини илгари суради.

Публицистиканинг характер-хусусиятидан келиб чиқиб унга таъриф бериш ва жанрларга бўлишда турлича қарашларни кўриш мумкин. Оммавий ахборот воситаларига оид дарслик, қўлланма, турли тадқиқотларда эса журналистика жанрларини уч гуруҳга бўлиб ўрганиш, таҳлил этиш қабул қилинган, булар:

1. Ахборот (информацион) жанрлари (хабар, ҳисобот, интервью, репортаж).
2. Таҳлилий (аналитик) жанрлар (корреспонденция, мақола, тақриз, кузатиш, шарҳ).
3. Бадиий-публицистик жанрлар (лавҳа, очерк, фельетон, памфлет, эссе, хат).

Ҳар бир турда публицистика учун хос хусусият ва сифатлар мавжуд бўлиб, улар бир-бирдан мазмун-моҳияти, тил, услуб, ёндашувдан келиб чиққан ҳолда фарқ қилади.

Публицистика ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади ва шу боис, бадиий ижод каби бир неча (ижтимоий-сиёсий, илмий, иқтисодий, адабий-бадиий, маданий-маърифий, ҳажвий) соҳаларга бўлинади. Бу соҳалар ичида бадиий публицистика, яъни ёзувчи публицистикаси

<sup>1</sup> Прохоров Е.П. Публицистика в жизни общества. – М., 1968.

<sup>2</sup> Хомяков В.И., Андреева Е.А. Художественно-публицистические жанры печатных СМИ: история и современность. – М., 2017.



алоҳида мавқега эга<sup>1</sup>.

Бадиий публицистика — публицистиканинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Унинг асосий хусусияти ва публицистиканинг бошқа қисмларидан фарқи — ижтимоий ҳаётни акс эттиришда адабий-бадиий воситалардан кенг фойдаланишида кўзга ташланади. Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад “Муаллиф нуқтаи назари таҳлилда кўринади” мақоласида<sup>2</sup> “Бадиий публицистиканинг биринчи шартларидан бири — бу муаллифнинг нуқтаи назари. Ҳар бир публицистик асарда сўз юритилаётган муаммога нисбатан, умуман, ҳаётда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ва жамоатчиликнинг фикрига нисбатан муаллифнинг позицияси, муаллиф “мен”и бўртиб кўриниб туриши керак. Ана шуниси билан публицистик руҳнинг таъсирчанлиги ортади. Акс ҳолда, яъни муаллифнинг позицияси, унинг фикри тайинли бўлмаса, унинг ўзини етук публицист, ёзган нарсасини публицистик асар, деб айтолмаймиз”, дейди.

Ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар, кишилар фаолиятини адабий-бадиий воситалар билан ёритувчи, бошқача қилиб айтганда, ҳаётни бадиий-эстетик жиҳатдан таҳлил қилиб баҳоловчи бадиий публицистика муаллиф шахсияти ифодаси билан бугунги замон одамнинг ўй-фикрларини ифодаласа, иккинчи жиҳатдан ҳаётнинг турфа манзараларига назар солишга, хулоса чиқаришга ёрдам беради. Публицистиканинг бошқа турларидан фарқли равишда бадиий публицистика образлилик ёрдамида ўқувчи онгига, туйғуларига ҳиссий-эмоционал таъсир ўтказди, материалда ифодаланаётган ижтимоий фикрга инкор этиб бўлмас ҳаётий манзаралар ёрдамида ўқувчини ишонтиради. Бадиий публицистикадаги бу образлиликнинг салмоғи ортиб бориши билан ижтимоий фикр, ғоя — поэтик ғоя, пафосга айланади. Демак, бадиий публицистикадаги пафос унинг таъсирчанлигига хизмат қилади. Бадиий-публицистик материалларда муаллиф аудиториянинг ҳиссиётига таъсир ўтказди, мавзу борасида фикр юритишга ундайди. Унинг асосий вазифаси ижтимоий ҳаётимиздаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан жамоатчиликда фикр уйғотиш, тасаввурни юзага чиқаришдир. Бир қараганда, публицистика тарозига ҳам ўхшайди — унинг бир палласида бадиий адабиёт, иккинчисида журналистика туради.

Бадиий публицистиканинг асосий жанрлари – очерк, эссе, фельетон, памфлет ижтимоий ҳаёт муаммоларини публицистик ва бадиий воситалар билан мутаносибликда ифода этади. Мазкур жанрларда жамоатчиликка етказилмоқчи бўлган фикр шунчаки ахборот тарзида берилмасдан, образ ва образлилик, характерлар яратиш, композицион қурилиш, конфликт ва ечим каби маҳорат билан боғлиқ унсурлардан фойдаланилади. Бадиий публицистиканинг таҳлилий публицистикадан фарқли жиҳати ҳам шунда кўринади. Бинобарин, бадиий публицистикада жамоатчилик фикри янада чуқурроқ, образлар воситасида, чунончи, ҳажвий публицистикага оид фельетон ва памфлетда ижтимоий кулги орқали ифода этилиши унинг таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилади.

Публицистика жамият ҳаётига, воқеа-ҳодисаларга тезкор муносабат билдирувчи ижодий-таҳлилий тафаккур маҳсулидир. Бу жанр, айниқса, бадиий публицистика ўқувчи онгига тез таъсир кўрсатади, бирор-бир умуммиллий вазифа ёки муаммо хусусида жамоатчилик фикрини юзага келтиради, уни зарур йўналишда ривожлантиради<sup>3</sup>. М.Худойкуловнинг “Журналистикага кириш” ўқув қўлланмасида ҳам бадиий публицистика жамоатчилик фикрини шакллантириш учун хизмат қилиши, бадиий публицистиканинг асосий жанрлари – очерк, фельетон, памфлет ижтимоий ҳаёт муаммоларини публицистик ва бадиий воситалар орқали ифода этиши ҳамда бу жанрнинг асосини жамоатчилик фикри ташкил этиши таъкидланади<sup>4</sup>.

Бадиий публицистикада кескин рад қилувчи, фош этувчи ёки жамиятни бирор бир муаммодан огоҳ қилувчи фикр-мулоҳаза, воқеа-ҳодисаларга ҳозиржавоблик билан билдирилган муносабат асосан бадиий, образли воситалар, муаллифнинг ички кечинмалари, ҳаяжони, ҳис-туйғуси орқали баён қилинади.<sup>5</sup> Шунинг учун ҳам бу жанр материалларига

<sup>1</sup> Мелибоев А. Бадиий публицистикада давр руҳи. // Жаҳон адабиёти. № 4. 2011.

<sup>2</sup> Дўстмуҳаммад Х. Муаллиф нуқтаи назари таҳлилда кўринади. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010. № 17.

<sup>3</sup> Мелибоев А. Бадиий публицистикада давр руҳи. // Жаҳон адабиёти. 2011. № 4.

<sup>4</sup> Худойкулов М. Журналистикага кириш. Ўқув қўлланма. – Т., 2005. 23-б.

<sup>5</sup> Мелибоев А. Журналистика: касб, ижод, маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. 32-б.



ахборот ва таҳлилий жанрларга қўйиладиган талаблар билан бир қаторда энг муҳим мезон образлилик ва фактларнинг конкретлигидир. Конкретлилик — ҳаётийлик газета жанрларида энг муҳим шартлардан бири ҳисобланса, образлилик бу жанрнинг асосига сингиб кетган. Ахборотни таъсирчан шаклда ўқувчига етказиш учун бу жанрларда образли, эмоционал-экспрессив тил воситаларидан кенг фойдаланилади.

Журналистика соҳасида ўзининг илмий қарашлари билан ном қозонган Очил Тоғаев таърифича, публицистик асарларнинг асосий вазифаси ўша давр ижтимоий ҳаётидаги воқеликлар, муаммолар, камчиликлар тўғрисида жамоатчилик фикрини уйғотиш, уларни мақсадли йўналтиришдир. Шу фикрга қўшимча қилиб, бундай мақолалар халқнинг ижтимоий ҳаёти ҳақида келажак авлод учун энг яхши тарихий манба ҳам дейиш мумкин.

Очерк, фельетон жанрига хос хусусиятлар ўзбек адабиётининг асосий етакчи жанри бўлган поэзия таркибида ҳам учрайди. Ўзбек халқ оғзаки ижоди, классик адабиётидаги ҳажв, ўткир юмор илдизлари ўзбек бадиий фельетонининг тараққий манбалари ҳисобланади. “Ўзбек бадиий публицистикаси” китобида<sup>1</sup> 30-йиллар ўзбек бадиий публицистикаси жанрларининг тўла шаклланган даври бўлгани, Ғафур Ғулом ўзбек бадиий публицистик фельетони ва очерк жанрининг асосчиларидан бири ҳисобланиши таъкидланади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳозиржавоб ва жанговар жанр — бадиий публицистиканинг роли ва аҳамияти ошиб боргани, Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Уйғун, Шайхзода, Яшин ва бошқа адибларнинг публицистик мақола, очерк, фельетонлари фашизмга қарши курашда қудратли қурол бўлиб хизмат қилгани эътироф этилади. Шунингдек, урушдан кейинги йилларда “Шарқ юлдузи”, “Муштум” журналлари, республика газеталарида очерк ва фельетоннинг ранг-баранг намуналари чоп этилгани, Ғ.Ғулом, С.Аҳмад, Х.Тўхтабоев, А.Муҳиддин фельетон жанри воситасида жамиятдаги айрим иллатларга қарши курашгани, ижобий қаҳрамонларни тарғиб этиб, юксак инсоний фазилатларни улуғлагани айтилади.

Демак, бадиий-публицистик жанрлар тарихан ўзининг ҳис-туйғу, манзара, таассурот ва ҳаяжонга бойлиги, кайфият билан ёзилгани, мамлакат тараққиётига болта урувчи ижтимоий иллатлардан огоҳ қилгани, айрим тоифа кишиларнинг кирдикорларини аёвсиз фош этгани сабабли ҳам ўз ўқувчисини топган, халқ орасида эътибор қозонган.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Прохоров Е.П. Публицистика в жизни общества. – М., 1968.
2. Хомяков В.И., Андреева Е.А. Художественно-публицистические жанры печатных СМИ: история и современность. – М., 2017.
3. Мелибоев А. Бадиий публицистикада давр руҳи. // Жаҳон адабиёти. № 4. 2011.
4. Дўстмуҳаммад Х. Муаллиф нуктаи назари таҳлилда кўринади. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010. № 17.
5. Худойқулов М. Журналистикага кириш. Ўқув қўлланма. – Т., 2005. 23-б.
6. Мелибоев А. Журналистика: касб, ижод, маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. 32-б.

<sup>1</sup> Тоғаев О. Ўзбек бадиий публицистикаси. – Т.: Фан, 1973. 63-б.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 26-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(6-қисм)**

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.03.2021

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000